

Фан Ҳақида суҳбат- лар

Қ. ЗОКИРОВ, Қ. ОМОНТУРДИЕВ

САНО ҲАҚИДА




№ 5

фан
ҳақида
суҳбат
лар

Қ. ЗОКИРОВ, Қ. ОМОНТУРДИЕВ

633.8
3-44

САНО ҲАҚИДА



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1984

З—74 Зокиров Қ., Омонтурдиев Қ.
Сано ҳақида.— Т.: Ўзбекистон, 1984.—15 б.
I. Автордош.

Ушбу брошюра муаллифлари сано ҳақида, бу ноёб доривор ўсимликни Ўзбекистонда етиштиришга оид кузатишларини, санонинг биологияси, агротехникаси, халқ хўжалиги ва медицинадаги аҳамиятига доир хулосаларини баён қилганлар.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлкалланган.

Закиров Қ., Амантурдиев Қ. Листы сенны.

ББК 42.14.
633.8.

№ 54—84
Навой номли ЎзССР
Давлат кутубхонаси.

З $\frac{3803010000-34}{М 351 [04] 84}$ 84

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1984.

Инсон қадим замонларданоқ ҳар хил касалликларни даволашда турли хил доривор ўсимликлардан фойдаланган. Эраминдан олдин яшаган ва тиббиёт илмида ўчмас из қолдирган юнон табиби Гиппократ икки юздан ортиқроқ шифобахш ўсимликларни ўргангани маълум.

Шулардан биттаси сано (халқ орасида уни маккайсано. Александрийский лист деб ҳам аталади) бўлиб, олим бу ўсимликдан сурги дори сифатида, организмдаги турли қуртларни туширишда, томоқ ва қулоқ шишларини даволашда фойдаланган.

Улкан энциклопедист олим, тиббиёт илмининг сардори Абу Али ибн Сино ҳам жуда кўп доривор ўсимликларни ўрганиб, улардан тайёрланган дорилар ёрдамида турли касалликларни даволаган. Ўша даврлардаёқ Абу Али ибн Сино сано доривор ўсимлик эканлигини таъкидлаб, бу ўсимлик ҳақида қимматли маълумот берган ва ундан фойдаланиш йўлларини кўрсатган.

Ўрта асрлар буюк олими ар-Рози ҳам сано хосиятлари ҳақида қимматли маълумот бериб, ундан (асосан ўсимликнинг барги ва уруғидан) сурги сифатида, гижжа туширишда ва шамоллашни даволашда фойдаланган.

XIX асрда яшаган ҳиндистонлик машҳур табиб Муҳаммад Аъзамхон ўзининг «Муҳити Аъзам» номли китобида санони ўстириш йўллари ҳақида қисқача фикр юритиб, бу ўсимликнинг қисмларидан (асосан барги, уруғидан) сурги дорилар тайёрлангани, турли қуртларни туширишда ҳамда бачадон касалликларини даволашда фойдаланилганини ёзади.

Маълумки, доривор ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар сунъий дори-дармонларга нисбатан беозордир. Бироқ ҳеч қачон улардан ўзбилармонлик билан фойдаланиш керак эмас, бундай қилиш ноҳуш асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳатто ўсимликлар нималарга ишлатилишини яхши билган тақдирда ҳам, уларни фақат врач маслаҳати билан истеъмол қилган маъқул. Масалан, санонинг халқ табobatiда аксарият сурги сифатида ишлатилишини кўпчилик билади. Бироқ уни ишлатишга зарурат сезилганда албатта врачлардан консультация олган маъқул.

Сано бизга асосан чет эллардан келтирилади. Бу — сано маҳсулотига бўлган талабни қондирмайди, қолаверса қимматга тушади. Шунинг учун санони Ўзбекистон шароитида кўпайтириб, медицинага кўплаб сано маҳсулоти етказиб бериш муҳим деб ўйлаймиз.

Республикамининг жанубида жойлашган Сурхондарё области иқлими, ер шароитига кўра кўпгина ўсимликларни ўстириш, улар биологиясини ўрганиш ва мўл ҳосил тўплаш учун мосдир.

Биз тажриба учун 1978 йилдан бошлаб Гагарин районидаги Комсомолобод совхозида, Ойбек номидаги Термиз Давлат Педагогика институти тажриба участкасида сано экиб бирмунча кузатиш ишларини олиб бормоқдамиз.

Санонинг биологияси, аҳамияти ва уни кўпайтириш йўллари батафсил ўрганилмаган бўлса-да, у ҳақда матбуот ва махсус адабиётларда кичик-кичик мақолалар эълон қилинган, улар сано ўсимлигини ўрганишга бир қадар уринишлар бўлганлигидан дарак берарди. Сано СССРда биринчи марта 1935—1937 йилларда Бутунитифоқ доривор ўсимликлар илмий текшириш институтида экилиб кўрилган.

Институт топшириғига биноан кейинчалик (1939 й.) шу институт илмий ходими В. А. Глуз Денов райони территориясидан бирмунча ер ажратиб сано уруғини тажриба учун экиб кўрди. Уруғлар униб чиқди. Бу ўсимлик биологияси диққат билан ўрганида бошланди. Ҳатто медицина ўзимизда етиштирилган сано баргини кўплаб ола бошлади. Бироқ уруш бошланиб, бу иш охирига етказилмади.

Урушдан кейин сано Украина (Харьков области) да, Озарбайжонда, Грузияда, Жанубий Қозоғистонда (Дар-

мана совхозида), Самарқанд ва Сурхондарё областларида маданийлаштирила бошланди. Бу иш Бутуниттифоқ доривор ўсимликлар илмий текшириш институти ходимлари раҳбарлигида (1955) олиб борилди. Санонинг айрим биологик хусусиятлари, ўсимликнинг ер устки қисмини йиғиштириш, қуритиш ва сақлашга оид қимматли илмий маълумотлар олинди. Жанубий Қозоғистон (Дармана совхози) да олиб борилган ишлар айниқса самарали бўлди. Ҳозир ҳам Дармана совхози Ўрта Осиёда энг кўп сано маҳсулоти етиштириб бермоқда.

1958 йилда биология фанлари кандидати Қ. Х. Хўжаев Дармана совхозидан ўткир баргли сано уруғини олиб келиб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника боғи тажриба участкасига экади. Бироқ бу ерда экилган сано уруғи униб чиққан бўлсада, унча ривожланмади, уруғи ҳам пишмай қолди. Шунга қарамай изланиш давом этаверди.

Етмишинчи йилларга келиб бу ноёб ўсимликнинг систематикаси, дориворлиги, тарқалиши ҳақидаги фикрлар анча бойинди, уни Сурхондарё шароитида ўстириш, мўл ҳосил олиш мумкинлиги ҳақида илмий асосланган ишонч пайдо бўлди. Сано турлари чуқур ўрганилди, ишлатилиш доираси ҳам бир қадар кенглиги аниқланди. Ўсимлик барги ва танасидаги мавжуд хоссалар ҳар тарафлама ўрганилди. Бунда кўплаб олимлар иштирок этишди.


Кассия авлодига кирувчи ўсимликлар сони турли адабиётларда турлича кўрсатилган. «Ўсимлик маҳсулотлари ва улардан фойдаланиш» (1975) номли китобда уларнинг 500 га яқин тури тарқалганлиги кўрсатилган. Кассия авлодига кирувчи маккансано турлари асосан баргларининг шакли ва улар сақлайдиган глюкозидлар миқдорининг ҳар хил бўлиши билан фарқланади. Бу авлодларнинг энг муҳим турларидан: тор баргли сано — кассия узколистная (кассия ангиетифолия) дир. Бу тур санонинг барги учки томонига торайиб боради. Бу тур сано биринча марта Ҳиндистонда ўстирилгани учун Ҳиндистон саноси деб ҳам аталади.

Санонинг яна бир тури тўмтоқ баргли сано — кассия туполистная (кассия абовата) бўлиб, у асосан Италияда ўстирилади. Ғўмбоқ баргли санонинг марказий ватани Африка ҳисобланади.

Силлиқ баргли сано — кассия гладкая (кассия лави-

гата) баргининг силлиқлиги, барг тукларининг камлиги билан фарқланади.

Говаксимон баргли сано (кассия трубчатая) баргининг говаклиги билан, тукли баргли сано (кассия волосистая) эса барг атрофининг тўлқинсимон бўлиши билан ажралиб туради.



Булардан ташқари ўткир баргли сано (кассия остролистная) ҳам бўлиб, у иссиқ иқлимли мамлакатларда кўпроқ ўсади. Бу тур сано таркибида глюкозидлар ва сенозиднинг кўплиги билан бошқа турларидан устун ту-

ради. Шунинг учун илгарилари бу тур сано жаҳон бозорига кўплаб чиқарилган. Сано ёввойи ҳолда Африканинг чўл ва ярим чўлларида, Қизил денгиз бўйларида, араб мамлакатларида кўплаб учрайди. Жаҳон бозорига бу ўсимликка бўлган талаб ҳозир ҳам жуда катта. Натижада сано ўз ватанида камайиб бормоқда. У бир йиллик ўсимлик сифатида Ўрта Осиё ва Кавказда ҳам ўстирилади.

Ўткир баргли сано бўйининг узунлиги шароитга қараб 1 метрдан 2 метргача этади. Бизнинг тажриба участкамизда унинг бўйи 110—120 см, минерал ўғит берилган участкада эса 140—150 смга етди.

20—25 апрелда экилган сано уруғи униб чиққач, ўсимлик май ойида 8 см, июнь ойида 37 см, июлда 25 см, августда эса 10—12 см ўсди. Сано вегетациясининг дастлабки ойларида аввал поядан мураккаб барглар чиқа бошлайди. Сўнг унда жойлашган барг пластинкалари етила бошлайди. Барг ва барг пластинкаларининг етилиши вегетациянинг охиригача давом этади.

Сано поясининг пастки қисмидаги шохлари ер бағирлаб, узун бўлиб ўсади. Пояда жойлашган мураккаб баргининг узунлиги 10—12 см, эни 9 см бўлади. Барги жуфт, патсимон, мураккаб, қисқа бандли, бири-бирига қарама-қарши жойлашади. Бизнинг участкамизда ўстирилган сано баргнинг ўртача узунлиги 4,5 см, эни 1,2—2 см.

Ўртача бир туп санода 4—6 поя бўлиб, бу пояларнинг ҳаммасида 1000—1250 тагача барг, 750—830 донагача уруғ, 180—195 тагача гули бўлади. Бир гектар майдондаги шундай санодан 18 центнер барг ва 116—120 кг уруғ олиш мумкин.

Гули ғуж, зигоморф, косача барглари 5 та, асос қисми бирлашган, сариқ.

Сано июнь ойининг охиридан бошлаб кеч кузгача гуллайди. Аниқроғи, санонинг 30 процент гули июнда, 45 проценти июлда, 25 процент гули августда очилади. Дуккаклари ҳам шу тартибда пайдо бўла бошлайди. Меваси эса сентябрь ойидан етила бошлайди. Маккаи-санонинг илдизи жуда шохланиб ўсувчи ўқ илдиз бўлиб, узунлиги ўртача 50—60 см., илдиз бўғзи диаметри 3,2 см., 10 см чуқурликдаги илдиз диаметри 2,1 см., биринчи тартибли илдизнинг ўртача узунлиги 4,5 см. Иккинчи тартибли илдизлар жуда кўп ва ингич-

Ҳар хил чуқурликка экилган уруғнинг униб чиқиши

Экиш чуқурлиги, см	Униб чиқаң, % ти	Ишлов берилма- ган уруғлар		Сульфат кислотанинг 0,5 % эритмаси билан ишлов бе- рилган уруғлар		
		бошла- ниши	тамом бўлиши	униб чи- қиш % ти	бошла- ниши	тамом бўлиши
2—3	23	10.IV	16.IV	71	10.IV	15.IV
3—4	29	11.IV	17.IV	82	10.IV	16.IV
4—5	24	12.IV	12.IV	64	10.IV	17.IV

3—4 см чуқурликда экилган уруғнинг униб чиқиши
(3 йиллик маълумот)

Кузатишган йиллар	Ишлов берилмаган уруғ- ларнинг униб чиқиши			Сульфат кислотанинг 0,5 % ли эритмаси билан ишлов берил- ган уруғлар		
	униб чиқи- ши, %	бошлан- ди	тамом бўлди	униб чиқи- ши, %	бошлан- ди	тамом бўлди
1978	29	10. IV	15. IV	72	10. IV	15. IV
1979	30	10. IV	16. IV	84	10. IV	15. IV
1980	30	10. IV	15. IV	84	10. IV	15. IV
Ивитилмаган, эки- лиши билан тез- да суғорилади- ган уруғларнинг униб чиқиш проценти	90	10. IV	17. IV			

ка бўлади. Илдизнинг асосий массаси ҳайдов қатлами-
да жойлашади. У ҳар қандай оғир ва зич тупроқларда
ҳам ўсишга қодир.

Сано органлари анатомик тузилиши чуқур ўрганил-
маган. Асосий маҳсулоти барги ҳисобланади.

Ўткир баргли сано жуда иссиқсевар ўсимлик,
унинг вегетацияси Комсомолбод (Сурхондарё области
Ғагарин райони) шароитида 190 — 230 кунгача давом

этади. Сано учун йиллик ҳарорат 4500 — 4700°. Санонинг ўсиши ва ривожланишида тупроқ ва ҳаво ҳарорати катта роль ўйнайди. Сано уруғи экиладиган кунларда ҳарорат 17 — 23° дан кам бўлмаслиги керак. Сано уруғи унумдор ишқорли тупроқда яхши ўсади. Аксинча, у шўр, ер ости суви яқин бўлган жойни хушламайди. Санони беда ва ғалла ўсимликлари экилган тупроқда алмашлаб экиш яхши натижа беради. Санони экишда ерни текислаш энг муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Текис ерга экилган сано уруғи чиримайди, кўчатлар тўлиқ униб чиқади, ҳосил мўл бўлади. Баланд-паст ерга экилган уруғ сув кўллаб кетиши натижасида чирийди.

Экиш учун кузда тўлиқ етилган ва янги йиғиб олинган уруғлардан фойдаланилади. Бундай уруғларнинг унувчанлиги юқори бўлади. Ажратилган уруғлик жуда иссиқ ва нам бўлмаган шароитда сақланади. Ҳарорат нормадан юқори бўлса уруғ қуриб, бужмайиб қолади. Нам тортган уруғнинг пўсти кўчиб, паллалари бир-биридан ажралиб кетади. Бундай уруғнинг унувчанлик проценти пасайиши табиий.

Экиш учун ажратилган майдон ўсимликлардан тозаланади, кейин 27 — 30 см. чуқурликда шудгорланади ва текисланади. Баҳор бошланиши билан тупроқ 5 — 8 см. чуқурликда культивация қилинади, бороналанади ва эгат очилади.

Сано уруғи тажрибада ҳар хил чуқурликда экиб кўрилди. Биринчи жадвалдан кўриниб турбдики, 3 — 4 см чуқурликда экилгани энг яхши натижа берди. Яхши пишган, бир йиллик уруғ 80 — 85 процент униб чиқади. Уруғларнинг яхши униб чиқиши уларга ишлов беришга боғлиқ. Уруғлар дастлаб стрификация қилинади, сўнг сульфат кислотанинг 0,5 процентли эритмаси билан ишлов берилади ва 20 — 25° сувда 10 соат нвотилади. Сўнг 60×45 схемада экилади. Агар уруғ 5—6 кунда униб чиқмаса, унинг ҳолати текшириб кўрилади. Уруғ бўртмай, униш бошланмай турган бўлса, тезлик билан қўшимча суғорилади. Уруғ чириб кетган бўлса, қайта экилади. Униб чиққан кўчатлар суғорилгандан кейин ҳар ғал бегона ўтлардан тозаланади. Акс ҳолда бегона ўт босиб, кўчат яхши ривожланмайди.

2-жадвалдан шу нарса кўриниб турибдики, ишлов берилмаган сано уруғларининг униб чиқиш процентига

қараганда, сульфат кислотанинг 0,5 процентли эритмаси билан ишлов берилган уруғларнинг унувчанлиги юқори бўлади. Айниқса сульфат кислота эритмаси билан ишлов берилган уруғлар соғлом ўсади, касалликка кам берилувчан бўлади.

Сано уруғини ивитмасдан экиб, тезлик билан суғорилганда уруғларнинг унувчанлиги энг юқори (90%) бўлди. Уруғлар шу тариқа экилганда, меҳнат кам сарф бўлди. Бундан ташқари уруғларни ивитмасдан экишнинг афзаллиги шундаки, бу ишни техника бажаради.

Сано уруғининг ажойиб хусусияти шундаки, у тиним даврини кутмайди. Қачон экилишидан қатъи назар 3—4 кун ичида униб чиқади. Масалан, сано уруғини июнь ва июль ойларида ҳам экидик, уруғлар тўлиқ униб чиқди. Бу эса экинлардан бўшаган ерларда сано экиб ундан барг олиш имкониятини беради.

Ўткир баргли санони вегетация даврида 4—5 марта суғорилади. Биринчи суғориш уруғлар экилгандан кейин, иккинчи суғориш 2—3 чинбарг чиқарганда, учинчи суғориш 14—16 кундан кейин, тўртинчи суғориш тўлиқ гуллаганда, бешинчи суғориш чеканка қилингандан кейин бажарилади. Барглар йиғиштириб олинаётганда иложи борица уруғларга зарар етказмаслик керак. Акс ҳолда уруғлар етилмай нобуд бўлади, ҳосил пасайиб кетади. Сано уруғини ҳар хил муддатларда экишнинг унинг барг ва ҳосилдорлигига таъсири 3-жадвалда кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, Термиз шароитида апрелнинг 15—20 кунларида, Комсомолобод шароитида апрелнинг охириги ўн кунлигида экиш энг яхши натижа беради.

Ўткир баргли санонинг ўсиши ва ривожланишида, ҳосилдорлигини оширишда органик ва минерал ўғитларнинг аҳамияти каттадир. Биз ўғитнинг таъсирини билиш учун контроль органик ўғитнинг таъсирини, фосфорнинг, калийнинг, азотнинг таъсирини кузатдик. Санога фосфор-калий-азот, азот-фосфор-калийларнинг аралаштирилган ҳолдаги таъсири кучли бўлди. Хуллас, тажриба жараёнида қуйидагича миқдорда аралаштирилган ўғитлар берилганда энг яхши натижа олинди. Сано экиладиган ерга кузда шудгорланиш олдидан 1 гектарга 900 кг. миқдорда фосфор, 100 кг. калий, 50 кг. азот берилиши керак. Ўғитларнинг қолган миқдори сано поя чиқара бошлаши олдидан яна 100 кг. азот, 150 кг. фос-

фор, 80 кг. калий сув билан берилади. Сано чеканка қилинади. Бу иш сано кўплаб новдалар чиқаргандан сўнг гунчалаш ва гуллаш арафасида ўтказилади. Чеканкани ўз вақтида ўтказиш барг ва уруғ ҳосилдорлиги ошишида катта роль ўйнайди. Чеканка 2—3 марта ўтказилади.

Сано баргини йиғиштириш энг муҳим иш ҳисобланади. Биринчи марта барг августнинг биринчи ярмида терилади, иккинчиси асосий терим ҳисобланиб, 35—40 кундан кейин ўтказилади. Учинчи галда эса сано вегетациясининг охириги даврида майда баргчалар

3-жадвал

Ҳар хил муддатларда экишнинг барг ва уруғ ҳосилдорлигига таъсири (1982 й.)

Экилган жойи	Экилган вақти	Тулиқ унб чн қан кун	Ўртача кунлик ҳаво, температураси			Унб чиқиш %	Ўсимликнинг баландлиги	Ҳосилдорлиги, га/ц	
					Ўртача			барги	уруғи

Ишлов берилмаган уруғлар

Термиз	10. III	26. III	23,2	12,0	17,5	23	92	13,2	3,0
	10. III	2. IV	36,9	16,2	26,5	25	94	14,0	4,2
	1. IV	9. IV	32,0	16,9	24,4	95	97	15,1	6,0
	10. IV	17. IV	34,1	17,9	26,0	27	110	17,3	6,4
	15. IV	21. IV	33,0	18,0	25,5	29	120	17,5	6,6
Қуруқ экилган уруғлар	20. IV	26. IV	36,9	18,1	22,5	91	120	18,8	7,5

Сульфат кислотанинг 0,5 % ли эритмаси билан ишлов берилган уруғлар

Комсомол-обод	10. III	1. IV	20,1	11,4	15,75	57	95	14,2	4,0
	10. IV	18. IV	21,3	14,3	17,7	61,5	90,7	15,1	4,6
	15. IV	22. IV	24,4	14,7	19,55	78,7	105	17,3	6,0
	20. IV	25. IV	28,6	16,3	22,45	80,3	120	18,0	6,8
	29. IV	6. V	33,4	17,3	25,35	90	120	18,9	7,8

териb олинади. Комсомолобод шароитида бу октябрнинг охири ва ноябрнинг бошларига тўғри келади. Акс ҳолда тўсатдан бошланадиган совуқ сано барглари қорайтириб юборади ва ҳосилнинг маълум қисмини йиғиштириб улгуриб бўлмайди. Ҳаво ҳарорати 10° дан паст бўлса, унинг ёш баргчалари ўсишдан тўхтайтиди. Сано-нинг барги кўпинча қўл билан терилади. Териш барглари $1-1,5$ см қалинликда брезент ва тахта мосламаларда ёйилиб, соя жойда қурилади. Тайёр бўлган маҳсулотлар шамол ўтиб турадиган биноларда сақланади ва керакли ташкилотларга (аптекаларга) топширилади.

Сано кўпинча барг ва уруғини олиш учун экилади.

Сано фақат барг олиш учун экилганда, юқорида айтилгандек, 3 марта йиғиштириб олинади. Уруғлар эса барг иккинчи марта йиғиштирилгандан кейин териб олинади. Албатта, бунда сано-дан олинадиган уруғ ҳосили камроқ бўлади. Сано асосан уруғ олишга мўлжаллаб экилганда чеканка яхшилаб ўтказилади ва суғоришга алоҳида аҳамият берилади, барг фақат бир марта оралатиб териб олинади.

Сано уруғини териш олишга катта эътибор берилиши керак. Сано дуккаклари сарғайиб қолгандагина уруғ тўла етилган ҳисобланади ва териш олинади. Тўла етилмай йиғиб олинган уруғлар бўжмайиб қолади, бундай уруғнинг унвчанлиги паст бўлиб, ҳосилдорлиги ҳам камаяди. Тўлиқ етилмаган уруғлардан уруғлик сифатида фойдаланилмайди.

Сано ҳам барг олиш, ҳам уруғ олиш учун мўлжаллаб экилганда барглари икки марта терилади. Сано барглари-ни териш олишда, ўсимлик тупларидаги уруғлар тўла етилиши ва шикастланмаслигига аҳамият бериш керак. Барг ва уруғ олишга мўлжаллаб экилган сано-нинг унвдорлиги яхши бўлади. Сано уруғи йиғиштириб олингач, ҳарорати $20-25^{\circ}$ дан баланд бўлмаган бинолар ичида қурилади, ҳаво ўтиб турадиган идишларда сақланади. Офтобда ва иссиқда қуришилган уруғлар қотиб, бўжмайиб қолади.

Қондага кўра сақланган сано уруғи ўз унвчанлигини ўн йилларгача сақлаши мумкинлиги аниқланди.

Энди санонинг аҳамияти ҳақида икки оғиз сўз.

Бу доривор ўсимликдан халқ медицинаси ва илмий медицинада қадимдан кенг фойдаланиб келганлар.

Араб табиблари бу ўсимликдан турли дорилар тайёрлаб, ич суриш, ичдаги қуртларни тушириш, турли яраларни даволашда фойдаланганлар. Сано хосиятлари унинг ноёб доривор ўсимлик эканлигини ҳам араб ҳакимлари биринчи бўлиб қайд этганлар, ўрганганлар ва турли дорилар тайёрлаб, турли касалликларни даволаганлар.

Бу ўсимликдан IX асрда испан ҳакимлари ҳам шамоллаш, томоқ касалликлари, ички ҳайдовчи ҳамда шишган кўз касалликларини даволашда фойдаланганлар. Шунини айтиш керакки, сано ҳақидаги билимлар кўпроқ Арабистонда вужудга келган. Унинг маккаисано номи билан машҳур бўлиб кетиши шу билан боғлиқ.

Бу ўсимлик ёввойи ҳолда араб мамлакатларида ўсган. Машҳур ҳинд олими Абу Ҳанифа ёввойи ўсувчи бу ўсимлик биологиясини, географиясини, экологиясини, унга ташқи муҳит факторларининг таъсирини ўрганиб чиқиб, санони маданийлаштириш масаласини биринчи бўлиб кўтариб чиқди. У маккаисано ҳақида шундай деб ёзади: «Сано ўсимлиги шу билан характерланадики, бу ўсимликнинг барги узунчоқ ва қисқа бўлиб ўсади, гуллари сариқ рангда, жуда чиройли бўлади. Бу ўсимлик мевалари қуриганда (пишиб етилганда) шамолда тебранса, ундан ажойиб товуш эшитилади». Абу Ҳанифа бу доривор ўсимликнинг яхши декоратив ўсимлик эканлигини ҳам қайд қилади.

Абу Ҳанифа маккаисанодан кенг фойдаланган. У сано уруғидан сийдик ҳайдашда, буйрак, жигар шамоллашда, баргидан эса дори сифатида турли гижжаларни туширишда, қулоқ касалликларини ҳамда асаб касалликларини даволашда фойдаланган.

Санодан тайёрланган дорилар офтоб уриш, қулоқ ва томоқ касалликларини даволашда қўл келган.

Маккаисанодан моҳирона фойдаланган, ноёб бу ўсимликни Ўрта Осиё шароитида ўстириб, ундан мўл ҳосил олиш мумкинлигини айтган яна бир олим Абу Райҳон Берунийдир. Олим сано уруғидан юқорида қайд этилган касалликлардан ташқари яна томоқ, қулоқ касалликларини, баргидан эса қорин дам бўлиши, ичак ва ошқозон касалликларини даволашда кенг фойдаланган.

Абу Али ибн Сино касалликларни даволашда маккаисанодан дамлаб фойдаланиш кераклиги ҳақида

халқимизга жуда қимматли маслаҳатлар берган. Халқ медицинасида сано барги ва меваси дамламаси сурги дори сифатида ишлатилади. Сано баргидан ёки мевасидан дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайнаб турган сувга 10 — 15 гр. қуритилган барг ёки мева солиб, бир соат дам едирилади. Сўнгра докада сузилади. Кечқурун ётишдан олдин дамламадан кичик стаканда бир стакан ичилади.

Иби Сино сано барги дамламасини итузум шираси билан аралаштириб, томоқ оғриқ ва томоқда шиш пайдо бўлганда у билан томоқни чайиш мумкинлиги ҳақида ҳам маълумот берган. Бундан ташқари сано баргидан тайёрланган дамламани подагра, бод, жигар оғриғи ва сариқ касалли даволашда қўлланган. Сано баргидан сурги дори, ичдаги турли қўртларни туширувчи дори сифатида фойдаланган.

Иби Сино, шунингдек, сано билан девпечак қайнатмасидан қонни ҳайдашда, ришта касаллигини даволашда фойдаланган.

Ҳозирги кунда илмий медицинада ўткир баргли санодан тайёрланган «Сеннаде» антибиотиги сурги дори сифатида ишлатилади. Бу дори ёш болаларга (1 — 12 ёш) бир таблеткадан, катта ёшли кишиларга икки таблеткадан уйқудан олдин берилади. «Листы сенны» сурункали ич қотганда ишлатилади. Бунинг учун сано баргидан тайёрланган брикетнинг 1,5 қисми бир стакан қайноқ сувга солиниб 5 минут қайнатилади. Шундан сўнг докадан ўтказилиб, эритма совутилади ва кунга бир ош қошиқдан икки уч марта ичирилади. Булардан ташқари «Экстрат сенны» айнан биз кузатаётган ўткир баргли сано баргидан тайёрланади. Бу антибиотикдан кўричак, геморой, қулоқ шамоллаши касалликларини даволашда ишлатилади. Умуман санодан медицинада турли қимматли дорилар тайёрланади.

Кўриниб турибдики, бу ўсимликка бўлган талаб жуда катта. Шу сабабли мамлакатимиз сано ўсимлигини ҳанузгача бошқа мамлакатлардан олиб келмоқда. Уни Ўзбекистоннинг иссиқ (Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро) областларида, айниқса Сурхондарё областида қўллаб етиштириш мумкин. Биз шу мақсадда санони Гагарин районидаги Комсомолбод совхозид ва Термиз шароитида ўстирдик. Мақсад сано биологиясини батафсил ўрганиш ва медицинага етарли сано маҳсулот

етказиб беришдир. Олиб борилган ишлар келгусида Ўрта Осиёнинг турли жойларида, айниқса бизнинг республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро каби областларида кўплаб сано ўстириш, ундан етарли ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, санони боғ ва хиёбонларда, кўча ва ҳовлиларда манзалари, ҳавони тозаловчи ўсимлик сифатида ҳам ўстириш мумкин.

Библиотека

С.-С.И.

№ 8644/2.

Кадир Закиров,
Курбан Амантурдиев

ЛИСТЫ СЕННЫ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» —
1984, Ташкент, 700129, На-
вои, 30.

Редактор Р. Шомансурова
Техредактор В. Демченко
Корректор М. Мажитхўжаева

ИБ № 3234

Теришга берилди 04.11.83. Босишга
рухсат этилди 2.03.84 й. Р — 13527.
Формати 84×108¹/₃₂. № 2 босма қо-
ғозига «Литературная» гарнитурادا
юқори босма усулида босилди. Шарт-
ли босма листи 0,84. Шартли кр.-отт.
1,05. Нашр листи 0,66. Тиражи 6681.
Заказ № 2310. Баҳоси 4 т.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30. Нашр
№ 318—84.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси. ГСП, Тошкент,
«Правда Востока», 26.